

## ҚАРИНДОШ-УРУҒЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ЯПОН МАҚОЛЛАРИДА “家[IE] УЙ” КОНЦЕПТИНИНГ РЕПРЕЗЕНТАЦИЯСИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.8091523>

**АБДУХАМИДОВА Дилафруз**

*Япон филологияси кафедраси докторанти, ТДШУ*

### АННОТАЦИЯ

Мақолада уйнинг яшаш жойи сифатидаги репрезентацияси ҳамда уйдаги ижтимоий муносабатлар қариндош-уруғчилик билан уйнинг боғлиқлигини ифодаловчи япон мақоллари асосида таҳлил қилинади. Мақолларда ичкари ва таиқари фокуси назарияси асосида тадқиқ қилиниб, бунда макон сифатидаги уй асосий мезон эканлиги кўриб чиқилади. Японлар оламининг лисоний манзарасида аёл уйнинг ичкарисидидаги ҳаётни қурувчи, уйдаги ижтимоий муносабатларни ҳаракатга келтирувчи муҳим шахс сифатида намоён бўлади.

**Калит сўзлар.** Қариндош-уруғчиликка оид бирликлар, мақол, ичкари ва таиқари фокуси, метафора, метонимия, синекдоха.

### АННОТАЦИЯ

В статье анализируются представления о доме как жилище и социальные отношения в доме на основе японских пословиц, выражающих имена родства и дом. Пословицы, исследуются на основе фокуса внутри и снаружи, также главным критерием дом рассматривается как пространство. В японском языковом картине мире женщина выступает как важная личность, которая строит жизнь внутри дома и активизирует социальные отношения в доме.

**Ключевые слова.** Имена родства, пословица, фокус внутри и снаружи, метафора, метонимия, синекдоха.

### ABSTRACT

The article analyzes the ideas about the house as a dwelling and social relations in the house based on Japanese proverbs expressing the names of kinship and home. Proverbs is researched based on the focus inside and outside also, the main criterion of the house is seen as space. In the Japanese language picture of the world, a woman acts as an essential person who builds life inside the house and activates social relations in the house.

**Keywords.** Kinship names, proverb, focus inside and outside, metaphor, metonymy, synecdoche.

Когнитив тилшунослик психологиянинг изидан бориб, макон (жисм) га қараб мўлжал (ориентация) олиш билан дунёни тил орқали англаш ўртасидидаги боғлиқлик табиий ҳолатлигини таъкидлайди. (Дж.Лакофф ва М.Джонсон, Т.Судзуки таклиф қилган “embodiment” тушунчаси). Тилшуносликда Европа, япон ва рус олимлари томонидан ориентация, фокусга оид анча тадқиқотлар олиб борилган. Фокусга япон катта изоҳли луғатида кўз қараши, нигоҳ қаратилган жой ҳамда нарса-ҳодисаларни кўриш, тафаккур қилиш позицияси тарзида таъриф берилган<sup>1</sup>. Асосан 2 маънода ишлатиладиган сўздир. Биринчиси қайси жой(нуқта)дан қаралаётгани, яъни объектга қараган пайтда турган нуқтасини англатса, иккинчиси эса қаерга қараетганини, яъни эътибор қаратилган нуқтани назарда тутати. Лексикографик манбаларда 15000 мақолни ўзида жамлаган мақоллар луғати<sup>2</sup>дан қариндошлик ва “家 ie – Уй” га алоқадор 1000 та мақол борлигини аниқладик. Шундан 200 таси қариндош-уруғчилик билан уйнинг боғлиқлигини

<sup>1</sup> 松村 明 (2021) 『国語辞書デジタル大辞泉』小学館

<sup>2</sup> 尚学図書 (1986) 『故事ことわざ辞典』小学館

ифодаловчи мақоллардир. Бундан ташқари, аёл ва эркакка тегишли мақоллар ҳам қариндошлик маъносини англатгани боис таҳлилга тортдик. Асосий концепт “家 ie – Уй” концепт образлардан ташкил топган аниқ гештальтлар (том, ўчоқ, хўжайин, уй бекаси) кўринишида гавдаланади.

“家 ie – Уй” яшаш жойи сифатида (гештальт) 内 [uchi] 家 [uchi] ҳақида гапирганимизда бу икки сўз омоним эмас, бир сўзнинг кўп маънолилиги эканлигини ва бунда иероглиф иккиламчи аҳамиятга эгалигини тадқиқотчилар таъкидлашган. Хусусан М.Терасова 内 иероглифи билан ёзилувчи uchi 家 иероглифи билан ёзилувчи uchi нинг айни ўзи ҳисобланади 内 (内) はウチ (家) である дея таъкидлайди<sup>3</sup>. 内面 [uchizura] “оиласи, уйдаги яқинларига бўлган муносабат”, 内孫 [uchimago](сўзма-сўз. ичкаридаги набира) уйдаги ўғилдан туғилган набира каби сўзларда 内 [uchi] 家 уйни англатишини кўриш мумкин. Бу мақол ва ибораларда ҳам ўз аксини топган. 福は内鬼は外 [fuku va uchi, oni va soto] “бахт уйга, шайтонлар ташқарига”, 内裸でも外錦 [uchi hadakademo soto nishiki] “уйда бечораҳол яланг юрсанг ҳам ташқарига кимхоб кий.”, 内弁慶外すばり [uchi benkei soto subari] “Уйда керилса-да, кўчада кўрқоқ” каби мақолларда 内 иероглифи билан берилган сўз аслида уйни маъносини билдиради. Биринчи мақолда уйнинг ташқарисидан туриб фокус ичкарига қаратилганини кўриш мумкин. Кейинги мақолларда уйнинг ичкарисидаги фокус ташқарига кўчаётганини кузатиш мумкин.

Инсоннинг ўз уйичалик азиз макон йўқ 我が家にまさる所はない [waga ie ni masaru tokoro va nai] Уй кўрғон инсонни ҳимоя қилувчи макон у мустаҳкамлик ва инсон узоқ умрлик яшайдиган макони 男子は家を出ずれば七人の敵あり “уйдан чиққан эр кишини 7 душман кутиб олади” ёки худди шу маънода 敷居をまたげば七人のてきあり “уй остонасидан ўтсанг 7 душман” мақоли ҳам қўлланилади. Бунда 敷居[shikii] остона уйнинг бир қисми сифатида гештальт саналади.

Ўзига хос тафаккур ва маданиятни акс эттирувчи япон мақолларида ҳам гендерга оид кизиқ дунёқараш яширинган. Қуйида шу ҳақида фикр юритамиз. Мақоллар уйда эрнинг ҳам хотиннинг ҳам бирдек хўжайин бўлиши муҳимлигини тан олади. Шундай бўлса-да, кўпгина япон мақолларида ижтимоий институт сифатидаги уйда эмас, хўжалик юритиш объекти сифатидаги уйда аёл мавқеининг нисбатан қуйи эканлиги билан боғлиқ коннотацияси сезилади. 「男は外女は内」[otoko wa soto onna wa uchi] эркак кўчаники аёл уйники фалсафаси япон жамиятида ҳануз ўз кучини ёқотмаган. Японлар наздида уйни аёл бошқарса бу уй узоққа бормайди: 雌鳥歌えば家滅ぶ товуқ қуйласа уй бузилади. Эр кўчани, хотин уйни бошқаради 夫は外を治め、妻はうちを治める[otoko wa soto o osame, tsuma wa uchi o osameru] мақолида ичкари ташқари оппозицияси кўзга ташланса, қуйидаги мақолда ташқари фокусидан ёндашувни кузатиш мумкин. 内助の功[naiju no kou] (уйдаги ёрдам самараси) хотиннинг уйдаги ёрдамнинг муваффақияти бирикмасида эр кўчага чиқиб бемалол фаолият юритиши учун хотин уйда уни соясида бўлиб қўллаб-қувватласа, эр бундан илҳомланиб муваффақиятга эришади деган маъно яширинган. Бу ижтимоий тўлиқ бўлмаган аёл ҳақидаги умумий тасаввурларни вужудга келишига олиб келган. Бу қуйидаги мақолларда яққол сезилади. Аёл киши уйда неча йил ўтса ҳам хўжайин ўрнини эгаллай олмайди おなごの横座は

<sup>3</sup> Тэрасава М. Нихондзин-но сэйсин когдзо: (Структура духа японцев). Токио, 2002. стр.202

百になつてもない。[onnago no yokoza va hyakuni nattemo nai] аёлнинг уй тўридаги жойи юз йил ўтса ҳам йўқ. 横座 yokoza ўчоқнинг ичкари томони тўғрисида жойлашган уйнинг хўжайни ўтирадиган тўри жойи. Бундан кўринадики, япон одатига кўра уй хўжайни фақат эркак киши бўлади, хотин юз йил ўтса ҳам хўжайин ўрнини босолмайди. 女は三界にも家無し[onna va sangai nimo ie nashi] аёл кишининг бу кенг дунёнинг ҳеч қайерида хотиржам яшовчи уйи йўқлигини англатади. 三界[sangai] буддизмда тириклик ҳамда ўлим тушунчаларига боғлиқ 3 борликни яъни бутун дунёни англатади 4 баъзи манбаларда ўтмиш, бугун ва келажакни англатади дея берилади 5 Аслида 3 борлиқ тушунчаси метафора ҳисобланиб, аёл киши турмушга чиққунгача отасига бўйсунуши, келин бўлганида эрига, қариганда фарзандига бўйсунушини кўрсатувчи 3 дунёда ҳам хотиржам яшовчи маскани, ўз уйи йўқлигини англатади. Демак, аёл бирлиги қизни, келин ҳамда онани билдирмоқда. Яна шунга ўхшаш 女おんな に五章三従あり[onna ni go shyō san jū ari] мақолида ҳам аёлнинг доимо кимгадир тобелиги, эрки ўз қўлида эмаслигига оид қарашлар ётади. 「三従」аёл амал қилиши шарт 3та йўлни ифодалайди. Буддизм динида айтилганидек уйда отасига бўйсунуши, келин бўлганида эрига, эрининг ўлиmidан кейин фарзандига бўйсунушини англатувчи 3 турдаги бўйсунуш тартибини англатади. Бу қарашлардан аёл ҳақ-ҳуқуқлари қадимдан қуйи қўйилганини англаш мумкин.

**Уйдаги хотиржамлик** 女房に惚れて家内安全[nyoboni horete kana'i anzen] юқорида таъкидлаганимиздек, 家内安全 уй, оила, ундаги қариндошлар, хотинни ифодалаб уларнинг ортикча мусибатларсиз, тинч, хотиржам, барқарорликдаги ҳаётини, қариндошларнинг ҳаётгий кучга тўлиб соғлом яшаётганликларини англатади. Агар эркак хотинини севиб эъзозласа хотин хотиржам, ҳеч нарсадан ҳавотирланмай кўнгли тинч бўлади, эркак ҳам уйдагиларидан хавфсирамай тинч бўлади. Шунга боғлиқ равишда эр-хотин урушмай уй ичида ҳам тинчлик ҳукм суради. Уй ичи тинч бўлса оила ҳам ҳеч қандай зарар кўрмай кўнгил хотиржам бўлади деган чуқур маънони билдиради. Хотиржамлик маъносини англатувчи 「安」 белгиси аслида уй иероглифининг том қисми 「宀 (家)」 билан тагида 「女」 аёл иероглифи қўйилиши натижасида вужудга келган бўлиб<sup>6</sup>, уйда аёл борлиги кўнгил хотиржам эканлигини англатади. Уйнинг хотиржамлиги ҳам ҳаёт хотиржамлиги ҳам аёлнинг кўнгли тинч яшаётганлигига боғлиқ. Хотиржамлик ҳукм сурган уйга ночорлик кашшоқлик киролмайди: 家内和合の張り札にはかないわごう は ふだ 貧乏神が寄り付けぬ [kana'i wagou no hari fuda niwa binbōkamiga yoritsukenu](сўзма-сўз. тинч-тотув уй деб ёзиб қўйилган тахтачага камбағаллик худолари яқинлашолмайди) 張り札 [harifuda] кўзга кўринадиган қилиб қоғоз ёки ёғоч тахтачага эълон қилиниши керак бўлган ҳодисани ёзиб осиб қўйишга ёки уйдаги яхшилик аломати бор жойга қўйишга мўлжалланган ёрлик, тахтача. Бирор ниятни тилаб уни ибодатхонадан бериладиган қоғоз ёки ёғоч тахтачага

<sup>4</sup> Буддизм дунёсида ҳаёт ва ўлимга тааллуқли қийинчиликларга тўла борликни 3 турга бўлишади: биринчиси хоҳиш-истаклар дунёси, ккинчиси рангли дунё ва рангсиз борлик. Хоҳиш-истаклар дунёси энг қуйи поғонада жойлашган бўлиб, еб-ичиш, ухлаш каби истақлар билан яшовчи борлик, рангли борлик моддийликка асосланиб бу хоҳиш-истаклардан узоклашган мавжудотлар яшовчи маконни ва энг юқори поғона рангсиз борлқ бўлиб, моддийликдан бутунлай узоклашган юқори рухий оламни англатади.

<sup>5</sup> 日本大百科全書(ニッポニカ) (2022) 小学館

<sup>6</sup> 日本大百科全書(ニッポニカ) (2022) 小学館

ёзиб уйнинг яхшилик аломати бор бурчагига қўйиш буддизм одатлари билан боғлиқ<sup>7</sup>. Тинч-тотув уй деб ёзиб қўйилган тахтача 家内和合の張り札<sup>かないわごう は ふだ</sup> уйга қўйиладиган анжом саналади. Бу анжом бўлак сифатида бутунни ифодаламоқда. Бунда синекдоха усули орқали маъно кўчиб ушбу тахтача бутун бошли уйни тотув яшаётган қариндошлар гуруҳи оилани ифодаламоқда. Худди шу маънода синоним мақолни учратиш мумкин. Уйдаги қариндошларнинг бир бири билан келишиб, муроса қилиб, ўзаро қўллаб-қувватлаб яшаши уйнинг раванқ топишидан далолатдир: 家内和睦は福神の祭り<sup>かないわぼく ふくじんまつ</sup> [kanai waboku wa fukujin no matsuri] (сўзма-сўз. уйдаги муроса бахт худоларининг байрами) Бизнинг халқимизда қувонч кулги аримайдиган уйда барака бўлади дейишади. Японларда ҳам кулган уйга бахт киради дейилади: 笑う門には福来る [warau mon niwa fuku kitaru] (сўзма сўз кулган дарвозага бахт келади) мақолда 門 [mon] дарвоза уйни ифодаламоқда. 笑う門 [warau mon] кулган дарвоза аслида метонимия асосидаги маъно кўчиши бўлиб, уйнинг аъзолари бўлган оилани ифодалаб қариндошлар гуруҳига ишора қилмоқда. Бунда кузатувчи ташқарида туриб ичкари фокусидан ҳодисани баён қилмоқда.

**Уйдаги келишмовчиликлар** уйдан барака кетишини англатади: 夫婦喧嘩は貧乏の種蒔き [fufu genka wa binbō no tanemaki] сўзма-сўз. эр-хотиннинг уруши камбағаллик уруғининг сочилиши, доимий эр-хотин жанжаллашадиган уйда эр қўнғилхушликка, хотин беҳуда пул сарфлашга берилади ва оқибатда уйдан барака кетиб, камбағаллик бошланади. Уйдаги етишмовчилик камбағаллик бошланса оилада меҳр муҳаббат йўқолади: 貧乏は戸口から入ると愛は窓から逃げ出す [binbō va toguchi kara hairu to ai va mado kara nigedasu] камбағаллик эшикдан кириб келса, меҳр ойнадан қочади. Синекдоха усули орқали эшик ва ойна бутун уйни ифодаламоқда. Бу мақолда яққол уйнинг ичкарисидagi фокусдан оиладаги муносабатлар ифодаланмоқда. Бунда аввал фокус ташқаридан ичкарига ҳаракатлани, кейин эса ичкаридан ташқарига кўчмоқда.

**Уйнинг бузилиши** кўп мақолларда уй ҳамда давлатнинг емирилиши унинг ташқарисидан эмас уйнинг ичидан бошлангани таъкидланади: 家の鼠 [ie no nezumi] 家に鼠国に盗人 [ie ni nezumi kunini nusubito] 家を破る鼠は家から出る [ie o yaburu nezumi va ie kara deru] айниқса уйнинг емирилиб бузилишига аёл киши сабаб бўлиши кучли таъкидланади: 家の乱れは女から [ie no midare va onna kara] уй оила камбағал аҳволга келганда яхши хотин ҳақида ўйланади, мамлакат емирилатганда яхши раҳнамо ҳақида бош котирилади: 家貧しくして良妻を思い、国乱れては良相を思う [ie mazushikushite ryosai o omou, kuni midarete va ryōshō o omou].

Демак, японлар учун уй энг аввало оила яшаши учун мўлжалланган макон, фарзандни вояга етказувчи макондир. Кенг маънода қондошлик ва никоҳ орқали боғланган қариндошлар гуруҳининг биргаликда бир том остида хўжалик юритиши назарда тутилади. 家 ie – “Уй” концептининг асосий функцияси инсонни, уйда яшовчиларни ташқаридан ҳимоялашдир. Бу белги унинг ичкари ташқари оппозициясида ҳам намоён бўлади.

<sup>7</sup> Абдухамидова Д. “Япон тилида “家 ie –Уй” билан боғлиқ тушунчаларни шаклланишида буддизмнинг таъсири”, “O‘zbekistonda ziyorat turizmini rivojlantirishda buddaviylik obidalarining o‘rni” xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plami, 230-236- betlar

Эркак уйнинг ташқарисида гавдаланади, у уйни молиявий таъминлайди, шунинг учун уйни қурувчиси, аёл уйнинг ичида рўзғор ва хўжаликни юритади. Япон уйида эр хотин ва бола уйни ташкил этувчи шахслар сифатида гавдаланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Abdukhamidova D. The semantic development of the word Ie “home” in Japanese. // Asian Journal of multidimensional research (AJMR), India, Vol 10, Issue 5, May, 2021 p.558.
2. Абдухамидова Д. “Япон тилида “家 ie –Уй” билан боғлиқ тушунчаларни шаклланишида буддизмнинг таъсири” , “O‘zbekistonda ziyorat turizmini rivojlantirishda buddaviylik obidalarining o‘rni” xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plami, 230-236- betlar
3. Тэрасава М. Нихондзин-но сэйсин когдзо: (Структура духа японцев).Токио, 2002.стр.202
4. 松村 明 (2021) 「国語辞書デジタル大辞泉」小学館
5. 日本大百科全書(ニッポニカ) (2022) 小学館
6. 尚学図書 (1986) 「故事ことわざ辞典」小学館